O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
TO‘RAQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

To‘raqo‘rg‘on sh. To‘raqo‘rg‘on ko‘chasi 16.

2022 - yil 9 - sentabr 520-6-85-Q/22 To‘raqo‘rg‘on tumani hokimligi

Қабристонларда гўр қазиш ҳамда маросим хизматлари бўйича гўрковлар ва маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун аҳоли томонидан тўланадиган пуллик хизматлар тарифини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 59-сонли қарори билан тасдиқланган “Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидалари”нинг 42-банди, 2011 йил 4 апрелдаги 101-сонли қарори билан тасдиқланган “Дафн этиш жойларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 8, 14-бандларига асосан, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига мувофиқ,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Тўрақўрғон тумани ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармасининг 2022 йил 1 июндаги 103-сонли хати ҳамда туман Молия бўлимининг 2022 йил 1 юндаги калькуляцияси маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

2. Тўрақўрғон туманидаги қабристонларда гўр қазиш бўйича гўрковлар таъминоти учун аҳоли томонидан тўланадиган пуллик хизматлар тарифи миқдори қуйидагича этиб белгилансин:

0 ёшдан 1 ёшгача бўлган бир нафар бола учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 0 фоизи;

1 ёшдан 9 ёшгача бўлган бир нафар шахс учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 фоизи;

9 ёшдан катта бўлган бир нафар шахс учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи.

3. Тўрақўрғон туманидаги қабристонларда маросим хизматлари (майитни кўтариб олиб келиш, қабрга қўйиш, кўмиш ва бошқалар) бўйича маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун аҳоли томонидан тўланадиган пуллик хизматлар тарифи базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи (ҳар бир маросим хизмати учун алоҳидадан) этиб белгилансин.

4. Барча ишлаб турган қабристонларда дафн этиш учун жой (участка) бепул ажратилади.

5. Тўрақўрғон туман Ободонлаштириш бошқармаси:

қабристонларда гўр қазиш бўйича гўрковлар таъминоти ҳамда маросим хизматлари бўйича маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун аҳоли томонидан тўланадиган пуллик хизматлар тарифи миқдорига қатъий риоя этилишини;

ушбу маблағлар тегишли равишда гўрковлар ва маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун ишлатилишини;

мазкур пуллик хизматлар тарифи миқдорини аҳолига етказилишини ва тўғри тушунтирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарор “Давр” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Тўрақўрғон туман ҳокимлигининг Ахборот хизмати (З.Кенжаева)га мазкур қарорни оммавий ахборот воситаларида расман эълон қилиш ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш чораларини кўрсиш вазифалари юклатилсин.

9. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Тўрақўрғон тумани ҳокимининг 2019 йил 9 декабрдаги 1764-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

10. Мазкур қарордан норози шахслар судга ёки юқори турувчи органга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Тўраев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **А.Мансуров**